


Умра зиёратчилари сони кўпаймоқда



14:00 / 21.09.2021 1138

Саудия Арабистони Ҳаж ва умра вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йил 4 октябрдан “Хавфсиз умра” жараёни бошланганидан шу пайтгача жами 10 миллион киши умра амалларини бажарган, дея хабар беради **وكالة الأنباء السعودية** (Саудия ахборот агентлиги).

Ҳозирги пайтда мамлакатда бир кунда 70 минг киши умра ибодатларини бажариш учун шароитлар яратилган. Ҳукумат бу имкониятни бир ойда 3,5 миллион кишига чиқаришни режалаштиряпти.

Қироллик тарқатган маълумотларга кўра, шу йил 10 августдан чет эллик зиёратчилар ҳам қабул қилиняпти. Шу пайтгача 12 минг нафардан зиёд хорижлик зиёратчига виза берилган.